

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА РЕАБИЛИТАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Асқаров Мирзохид Миржалол ўғли\*

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Тергов фаолияти  
кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568430>

**Аннотация.** Мазкур мақолада жиноят-процессул муносабатларда реабилитация институтининг пайдо бўлиши, унинг ривожланиш тарихи ҳақида тўхталиб ўтилган. Реабилитация институтининг ривожланиши беш босқичга бўлиб ўрганилган. Ҳар бир босқични маълум бир даврларга бўлган ҳолда ҳар бир даврда амалга оширилган ислохотларнинг ўзига хос хусусиятлари назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган. Реабилитация институти қадимдан давлатчилигимизда, шаръий нормаларда ҳамда миллий қонунчилигимизда қўллаб келинганлиги, кейинчалик жиноят ишини тугатишнинг бир тармоғи сифатида шаклланганлиги асосланган.

**Калит сўзлар:** реабилитация, суд-тергов, жиноят процесси, шахснинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари, тиклаш, зарар, қоплаш.

Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ёки воқеликнинг моҳиятини чуқур англаб етиш учун аввало унинг келиб чиқиш заруратини, тарихий манбаларини ўрганиш талаб этилади. Барча ҳуқуқий ҳодисалар сингари реабилитация институти ҳам ўзининг пайдо бўлиш тарихига ва ривожланиш босқичларига эга бўлиб, ўтган асрлар давомида амалга оширилган ислохотлар натижасида такомиллашиб келди.

Шунга кўра, реабилитация институтининг ривожланиш босқичларини ҳар бир босқичда олиб борилган ислохотларнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда қуйидаги даврларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади:

*Биринчи давр, эрамизнинг VII-VIII асрларга қадар бўлган даврни ўз ичига олади.* Ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқ соҳасини, шунингдек унинг энг қадимги даврларини ёритишда дастлабки ёзма манба ҳисобланган “Авесто” эрамизнинг VII-VIII асрларига доир бўлиб, мазкур манба асосида жиноят ва жазолаш тизими шу даврга хос одат нормалари ҳамда зардуштийлик дини таълимотлари асосида тартибга солинган.[1]

Авестонинг деярли барча саҳифаларида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар ҳақида сўз борсада, бироқ унинг “Вандидат” қисмлари юридик ғояларни илгари суради.[2] “Авесто”нинг юридик ғояларидаги жазо бериш тизими “диний-этник қоидаларга бўйсундириш мақсадидаги ҳаракат” сифатида талқин қилинади. Зардуштийлик динига кўра, инсонда учта этник ахлоқий хулқ-атвор мавжуд бўлмоғи лозим. Улар: “эзгу фикр”, “эзгу сўз”, “эзгу амал”.

Қасам ичиб, аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки уни бузган ҳолларда ҳақлигини исботлаш учун “ордалия” ўтказиб синалган. Агар сўз қасам тўғрисида бўлса, одатда, сув билан, агар шартномага оид бўлса, ўт билан синалган ҳолда айбдорнинг ўзини ҳақ эканлигини исботлашига имкон берилган. Унга биноан, айбланувчи ўз ёнида турган кишининг оёқларини ушлаб турган ҳолда сувга шўнғиган. Шўнғиш вақтида “Варуна ҳақиқат учун мени ҳимоя қил” деб айтган. Ана шу лаҳзада камондан ўқ узилган, шу пайт чопар киши ўқ кетидан югурган, агар у ўқни айбдор сув остида

ўлгунга қадар келтирса, қасам худоси Варуна айбдорни “афв этди ва оқлади” деб ҳисобланган.[3]

Бундан ташқари, VI асрга тегишли хитой тилида битилган тарихий асарлардан яна бири “Бейши”да юртимиз ҳудудида мавжуд бўлган туркий тузуклар тўплами орқали жиноятчига жазо белгиланиши, фақатгина унга таянган ҳолда ҳукм чиқарилиши кўрсатиб ўтилган.[4]

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръани Каримда: “Эй мўминлар, сизларга ўлдирилган кишилар учун озод киши муқобилига озод кишидан, қул учун қулдан, аёл киши учун аёлдан қасос олиш фарз қилинди. Энди кимга биродари томонидан бироз афв қилинса, яъни қотилдан қасос олиш ўрнига товон олишга рози бўлинса, у ҳолда яхшилик билан бўйсуниб ва чиройли суратда товон тўлаш лозим” деб бежиз айтилмаган.[5]

Шунга кўра, шаръий, ахлоқий, дунёвий қонун-қоидалар амалда қўлланилган даврларда реабилитация атамасидан меъерий ҳужжатларда қайд қилинмаган ва фойдаланилмаган бўлса-да, моҳиятан айбдор шахсларга нисбатан жавобгарликдан озод қилиш турларидан бири сифатида шу кунга қадар шаклланиб келган.

*Иккинчи давр, VIII-XX асрнинг бошларини ўз ичига қамраб олади.* Бу даврда Мовароуннаҳр ҳудудларида Сурия, Миср, Кичик Осиё ва бошқа мусулмон мамлакатларидан ҳам биринчи бўлиб, фикҳ (ҳуқуқшунос)лар марказлари пайдо бўлди. Бурхониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида жамиятнинг ўша кезлардаги ҳуқуқий ҳолатини кўз ўнгимизда гавдалантирадиган қанчадан-қанча маълумотлар келтирилган.

Масалан, ушбу асарда ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар, давлат ва ҳуқуқ принциплари, жиноий жавобгарлик, мулкчиликнинг ҳуқуқий кафолатларига оид қарорлар, ажримлар, шарҳлар (ўғрилиқ, жазо, судхўрлик, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик бериш, шахс дахлсизлиги ва ҳоказо) каби ҳуқуқий тушунчалар аниқ ва лўнда баён қилинган.[6]

Мамлакатимиз тарихида давлат бошқаруви ҳақида асар ёзиб қолдирган ягона ҳукмдор Амир Темур десак янглишмаган бўламиз. Бундай ҳолатни дунё халқларининг тарихида камдан-кам учратиш мумкин. Ўзбек давлатчилигининг Амир Темур ва темурийлар бошқарган даврини ўрганишда, давлат бошқарув тизими, жиноят ва жазоларнинг тарихий юксалиш босқичларининг ўзига хос томонларини аниқлашда албатта бизга “Темур тузуклари” қўл келди. Амир Темур давлатда адолат ўрнатиш тарафдори бўлиб, ҳар бир шаҳар ва вилоятда қози – судьялар ва муфтийлар аризачиларни қабул қилиб, суд ва судлов ишларини олиб борган. “Тузуклар”да, “Ҳар қандай одам менинг девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам, уни кечирсинлар, иккинчи, учинчи марта яна гуноҳ йўлига кирса, у ҳолда гуноҳига яраша жазолансин” деб ёзилади.[7]

Ўлкамизга ислом дини кириб келиши билан жамият ҳуқуқий ҳаётида янги ҳукмрон мафкура остидаги бир қанча ўзгаришлар рўй бергани барчамизга аён.[8] Араб халифаларининг ҳукмронлик даврларида исломга хос барча анъаналар, қадриятлар, ахлоқий нормалар, шаръий қонун-қоидалар янги мафкуравий ривожланиш босқичига чиқди.

Араблар босқинидан то чор Россияни босқинига қадар эса, мамлакатимиз худудидаги феодал давлат тузилмаларида, яъни Хива ва Қўқон хонлиги ҳамда Бухоро амирлигида жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан биргаликда, диний-исломий қарашлар сингдирилган шариат нормалари билан ҳам тартибга солинган.[9] Бу даврда жиноят ишларини юритувчи олий суд ҳокимияти сўзсиз равишда хон ва амирнинг назорати остида иш юритган.[10] Хон ушбу судга раислик қилувчи қози калонни, яъни олий судьяни лавозимга тайинлаган ва шу билан биргаликда, уни лавозимидан озод этиш ваколатига ҳам эга бўлган. Қозилик суд ишларининг юритилишида “дастлабки тергов” деган тушунчалар умуман бўлмаган.[11] Бироқ, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни қозилар ихтиёрига олиб келишдан аввал воқеага ойдинлик киритиш учун қисқа муддатли аниқлаштириш ишлари бўлган.[12]

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Чор Россия томонидан юртимиз худудлари босиб олингандан сўнг суд-ҳуқуқ соҳасида бир қанча қонуний актлар қабул қилинган бўлса-да, аксарият ҳолатларда жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ёки уни жавобгарлик ва жазодан озод этиш масалалари қозилик ва бийлик судлари томонидан шариат ва одат нормалари асосида амалга оширилган.[13]

*Учинчи давр, 1017-1991 йилларни қамраб олади.* 1917 йилдаги октябрь тўнтарилишидан кейин Ўзбекистонда жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи, айрим маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аммо ягона қолипда – собиқ Иттифоқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги асосида ривожланган. 1922 йилда РСФСР Жиноят-процессуал кодекси (бундан кейин матнда ЖПК) қабул қилингандан кейин ушбу Кодекс иттифоқдош Республикалар билан бир қаторда мамлакатимиз худудида ҳам амал қила бошлаган. 1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРда биринчи ЖПК қабул қилиниб, шу йилнинг 1 июлидан кучга кирган. Шу санадан эътиборан, Ўзбекистонда 1922 йилдаги РСФСР ЖПК ўз кучини йўқотган.

Илк бор 1926 йилда қабул қилинган ЎзССР ЖПКда жиноят ишини тугатиш асослари ўз ифодасини топган бўлсада, уларни қўллаш механизми ва тартиби аниқ қилиб кўрсатилмаган эди. 1929 йилда қабул қилинган ЎзССР ЖПКда, жиноят ишини тугатиш асослари алоҳида тизимлаштирилди, уларни қўллашнинг процессуал тартиби аниқ қилиб белгилаб қўйилди. Жумладан, 1929 йилдаги ЖПКнинг 2-моддасида қўйидаги ҳолатлар жиноят ишини тугатиш учун асос бўлиши кўрсатилган: айбланувчининг вафот этганлиги; жавобгарликка тортиш муддатларининг ўтганлиги; ишга жалб этилган шахснинг ҳаракатларида жиноят таркибининг йўқлиги; жиноят ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан содир этилганлиги; шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукм бўлганлиги; амнистия акти қабул қилинганлиги.[14]

Собиқ Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи (СССР)да “реабилитация” тушунчасининг кенг қўлланилиши Н.Хрушчов ва И.Сталин билан бевосита боғлиқ. Чунки айнан улар даврида минглаб одамлар асоссиз узоқ ва шароити оғир ўлкаларга қатағон қилинган. Шу сабабли реабилитация сиёсати дастлаб қатағон қилинган халқларни бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларни она ватанларига қайтаришдан бошланган десак муболаға бўлмайди.

СССРда қатағон қилинганларни реабилитация қилиш жараёни 1953-1954 йилларда бошланганлигини шу даврга тегишли айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўришимиз мумкин. Дастлаб Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД), унинг ҳузуридаги Давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) ва СССР Давлат хавфсизлик вазирлиги (МГБ)нинг сиёсий раҳбарларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишлари доирасида суд ҳукмисиз чиқарган қарорлари-ю, кўчириш ва депортация қилинган халқлар ва миллатларга қарши қаратилган аёвсиз хатти-ҳаракатлар ноқонуний деб топилиб, барчаси бекор қилинган. Бироқ, 1960 йилларнинг ўрталарига келиб шахсларни реабилитация этиш жараёнлари сони камайди, бу эса шу даврда Сталинистик мафқуравий тамойилларнинг илдизи тўлиқ йўқ қилинмаганлиги, шу сиёсатга қайтишга уринишлар борлиги билан боғлиқ бўлган.[15] Бироқ, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий қўмита сиёсий Бюросининг (КПСС) 1988 йил 11 июлдаги “30-40-йиллар ва 50-йилнинг бошларида асоссиз қатағон қилинганларга нисбатан кўрилган ишларни реабилитация асосларига кўра тугатишнинг қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан СССР прокуратураси ва СССР Давлат хавфсизлик қўмитасига маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда 1930-1940 йилларда қатағон қилинган шахсларнинг ариза ва шикоятларини тезкорлик билан қабул қилиш, кўриб чиқиш ва уларни реабилитация қилиш суръатларини жадаллаштириш ҳақида кўрсатма берилди.

1989 йил 16 январда СССР Олий Кенгаши Президиумида РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД), унинг ҳузуридаги Давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) ва СССР Давлат хавфсизлик вазирлиги (МГБ)ларнинг 1930, 1950-йилларда сиёсий ишлар ва қатағонлар бўйича асоссиз қабул қилинган турли мазмундаги қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги Фармони қабул қилинди. Қатағон қилинган бир неча минг-минглаб фуқаролар, халқлар, миллатлар реабилитация қилинди. Улар орасида ўзбек адиблари, намоёндалари, жадидчилар ва бошқа оддий халқ вакиллари ҳам реабилитация қилинди. Энг қизиғи, реабилитация қилинганлар қаторида илгари ватан хоини деб, фашистик жиноятчилар, ҳужжатларни қалбакилаштириш, шунингдек қотиллик жиноятини содир этган деб асоссиз айбдор қилинганлар ҳам бор эди.[16]

Россия Федерацияси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлигининг шу даврларга оид берган маълумотларига кўра, “2002 йил 1 январь ҳолатига кўра, мазкур жараёнлар даврида тўрт миллиондан ортиқ фуқаролар реабилитация қилинганлар, шундан 2.438.000 минг нафари суд тартибида ёки судсиз жиноий жазоларга ҳукм қилинганлардир...”[17]

1959 йилда қабул қилинган ЎзССР ЖПКда жиноят ишини тугатиш асослари илк бор алоҳида институт сифатида қайд этилиб, ўн тўртта асосдан ташкил топган. 1959 йилда қабул қилинган ЎзССР ЖПКда жиноят ишини тугатиш нормалари асосан “Жиноят ишини юритилишини истисно қилувчи ҳолатлар” деб номланган 5-моддага киритилган эди.[18] Албатта ушбу ҳолатлар орасида реабилитация институти ҳам ўрин олган бўлиб, улар қуйидаги асосларни ўз ичига олган: жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса; қилмишда жиноят таркиби йўқ бўлса; жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса; амнистия акти асосида; шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса; қонунда

белгиланган ҳолатларда жабрланувчининг айбланувчи билан ярашганида; иш фақат жабрланувчининг шикоят билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса; вафот этган шахсга нисбатан; шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки ишни тугатиш ҳақида ажрими (қарори) бўлса; шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида ваколатли мансабдор шахснинг жиноят ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса.

Шунингдек, ушбу Кодекснинг 5<sup>1</sup>-моддасида жиноят иши Ўзбекистон ССР ЖПКда кўрсатилган тартибда қуйидаги ҳолатларда тугатилиши мумкинлиги белгиланган: шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш йўли билан; иш материалларини ўртоқлик судига топшириш йўли билан; иш материалларини вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш йўли билан; шахсни жамоат ташкилотлари ёки меҳнат жамоаларига кафилликка бериш йўли билан. Бироқ, санаб ўтилган асослар бўйича жиноят ишини тугатиш учун шахс ишда айбланувчи сифатида жалб этилиб, айбланувчи тариқасида сўроқ қилинган бўлиши талаб этилган.

Юқорида биз Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида “жиноят ишини тугатиш” институтининг ривожланиш босқичлари ҳақида мисолларни бежиз келтирмадик. Чунки келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, “реабилитация” институти айнан “жиноят ишини тугатиш” институтининг таркибий қисми сифатида шаклланган.

*Тўртинчи давр, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991 йилдан бошлаб, суд-ҳуқуқ соҳаси бўйича кенг қамровли янги ислохотлар бошланган 2017 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади.* Мустақилликка эришганимиздан сўнг 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ЖПКда юқорида санаб ўтилган жиноят ишини тугатиш асосларининг айримлари ўз ифодасини топди. Бироқ, Ўзбекистон ССР ЖПКда жиноят ишини тугатиш асосларининг мазмуни ва уларни қўллаш шартлари аниқ қилиб белгилаб берилмаган эди.

1994 йилда мустақиллик Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси қабул қилинди. Қабул қилинган янги ЖПКнинг 83-моддаси “Реабилитация учун асослар” деб номланди ва реабилитация этиш учун учта асослар белгиланди. Унга кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим: *биринчи*, иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса; *иккинчи*, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса; *учинчи*, унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

Шунингдек, мазкур кодекснинг еттинчи бўлими “Реабилитация” деб, 37-боби “Реабилитация асослари ва оқибатлари”, 38-боби “Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш тартиби” деб номланди. ЖПКнинг 301-313-моддалари билан реабилитация асослари, реабилитация этилишнинг мулкӣ ва бошқа оқибатлари, қисман реабилитация этишнинг асослари ва оқибатлари, мулкӣ зиённи қоплаш ҳажми, мулкӣ зиённи қоплаш манбаи, мулкӣ зиённи ундириш ҳуқуқи ва унинг миқдори масаласини ҳал қилиш, мулкӣ зиённи қоплаш тартиби, тўловни амалга ошириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим устидан шикоят қилиш тартиби, реабилитация этилган шахсга етказилган маънавий зиён

оқибатларини бартараф қилиш, реабилитация этилган шахснинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш, ҳуқуқларни даъво тартибида тиклаш, талаб қилиш муддатлари, реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг мулкӣ ва бошқа ҳуқуқларини тиклаш каби масалалар тартибга солинди. Бундан ташқари, ЖПК 373-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, дастлабки терговда жиноят иши ушбу Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тугатилиши мумкинлиги назарда тутилди.[19]

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги 724-ХII-сон Қонуни билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида “Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди” деб ноҳақ айбланган, асоссиз жинойӣ жавобгарликка тортилган ёки жазоланган шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш ва зарарларни қоплашга доир ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, реабилитация институти Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчиликдаги қонунийлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги, жиноят-процессуал қонунчилик шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи каби принциплар билан, қолаверса ЖПКнинг 23-моддасида ишни судга қадар юритиш ёки суд босқичларида ўз тасдиғини топмаган шубҳа, гумон ва айбловлар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал этилиши, ҳеч кимга асоссиз равишда айб эълон қилинмаслиги, ҳуқуқ ва эркинликлари чекланмаслиги каби нормалар билан янада мустаҳкамланди.

Қолаверса, шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, унга етказилган зарарларни қоплаш юзасидан бир қанча Қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли қарори, 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарори, 2008 йил 12 декабрдаги “Руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарори, 2008 йил 15 майдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 12-сонли қарори, 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарори, Фуқаролик кодексининг 990, 991, 1021-1022-моддалари, “Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисидаги низом”, “Давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплашда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўловларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома,

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2014 йил 4 мартдаги 4-қ/қ, 5, 5, 21-сонли қарори билан тасдиқланган Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисидаги Низом[20] шулар жумласидандир.

*Бешинчи давр*, Янги Ўзбекистонда янги ислохотлар, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ривожланишлар, қонунчиликни қўллашнинг янгича ёндашувларини ўз ичига олган *2017 йилдан ҳозирги кунга қадарли бўлган даврни қамраб олади десак муболаға бўлмайд*.

Бугунги кунда реабилитацияга доир мавжуд нормалар қайта ислоҳ қилиниб, янгича ёндашувлар, замонавий илм-фан ютуқлари, халқаро тажрибалар орқали янада сайқалланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори[21] ва ушбу қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси”ни қабул қилинганлиги натижасида бир қатор амалдаги қонунларимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 25-сонли қарорида Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг ҳукм сўзсиз бекор қилинишига сабаб бўладиган даражада жиддий бузилиши аниқлаганда, апелляция, кассация инстанцияси суди жиноят иши кимнинг шикоят (протести)га кўра кўрилаётганлигидан қатъий назар, йўл қўйилган қонун бузилиши дахл этган барча маҳкум (марҳум, мархума маҳкум)ларга нисбатан ҳукмни бекор қилиши шарт эканлиги аниқ қилиб белгиланди.

Шунингдек, 2019 йил 5 сентябрдаги “Хавфсизлик ва Мудофаа соҳасидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонун”ида реабилитация қилинган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, мудофаа вазири, ички ишлар вазири, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўмондони томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилиши лозимлиги каби нормалар билан тўлдирилди.

Қолаверса, мустабид тузум даврида қатағон қилинган бир қанча аждодларимизни реабилитация қилиш мақсадида Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сон

Фармойишига асосан бир қатор ишлар олиб борилмоқда.[22] Хусусан, Фармойиш ижросини таъминлаш юзасидан Бош Прокуратура томонидан тегишли тартибда Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига киритилган протестга асосан қатағон сиёсати бўйича тамомланган жиноят ишлари Олий суд раиси ўринбосари раислигида 2021 йил 25 август куни ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқилиб, жами 115 нафар айбсиз шахслар Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддасига асосан оқланди.

Хулоса ўрнида, реабилитация институти жиноят ва жиноят процессуал муносабатларининг ажралмас бўлаги эканлигини инобатга олиб, унинг пайдо бўлиши, тарихий-ҳуқуқий ривожланиш босқичларини билиш мазкур институтни такомиллаштиришга хизмат қилади.

### References:

1. Х.Т.Одилқориев. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон.– 174 б. <https://www.yumpu.com/xx/document/view/47065227/-x>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.10.2021).
2. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В.. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. Т., «Адолат».– 216 б. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 25.10.2021).
3. Давань. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Давань>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.05.2022).
4. Ўша манба.
5. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси. — Т.: Шарқ. – 635 б. <https://hilolnashr.uz/quron-manolar-tarjima>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.05.2022).
6. Хидоя. Коментарии мусульманского права. 1. Т. Ташкент, с. 38–42. <https://e-library.namdu.uz/pdf>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.05.2022).
7. Алимов. F.[http://uzmarkaz.uz/uz/news/buyuk-bobomiz-amir-temur-saltanatida-mansabdor-shahslarning huquqiy maqomi](http://uzmarkaz.uz/uz/news/buyuk-bobomiz-amir-temur-saltanatida-mansabdor-shahslarning-huquqiy-maqomi). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
8. Ислам. Энциклопедический словарь. Москва, с. 294 б. [http://www.orientalstudies.ru/rus/images/pdf/islam /d\\_islam\\_1991.pdf](http://www.orientalstudies.ru/rus/images/pdf/islam/d_islam_1991.pdf). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
9. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Фан.– 214 б. Раҳмонов А. Шариатда инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ–Право–Law. – Тошкент,– № 3. – Б. 79., Мухтасар: Шариат қонунларига қисқача шарҳ. — Т.: «Чўлпон»,– 336 б. <https://search.rsl.ru/ru/record/01001303487>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
10. Бакиров Ф. Чор Туркистонида суд, шариат ва одат. – Тошкент: 30-б., Ражабова М.А. Шариатда қозини тайинлаш тартиби // Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол. – Т., 2009. – Б.37-38.
11. Исҳоқов С. А. Фикҳ – мусулмон ҳуқуқшунослигининг шаклланиши // Ҳуқуқ–Право–Law. – Тошкент. – № 3. – Б. 83., Абдумажидов Г. Развитие законодательства о

- расследовании преступлений. – Ташкент: Фан. – 214 б. [http://kalinovsky-k.narod.ru/b/muhitdinov\\_2015/zakl.htm](http://kalinovsky-k.narod.ru/b/muhitdinov_2015/zakl.htm). (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
12. Казийских судов и к 1928 г. На территории УзССР они перестали существовать с УзССР.–№9. – С.23. <https://cyberleninka.ru/article/n/arhivnye-fondy-kaziyskih-sudov-vazhnyu-istochnik-po-izucheniyu-sotsialnoy-istorii-g-tashkenta-kontsa-xix-nachala-xx-v/viewer>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
13. Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Фан. 1974. – 214 б. <https://search.rsl.ru/ru/record/01001303487>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
14. Мирзажонов К. Теория и практика амнистии и помилования: проблемы и решение: Автореф. дис... д-ра. юрид. наук. – Т. – С. 46. <https://viewer.rsl.ru/ru/rsl01000323140?page=1&rotate=0&theme=white>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
15. Константинов П., Стуканов А. Институт реабилитации // «Законность», № 7, 2004., *Кудрявцев В. Н., Трусов А. И.* Политическая юстиция в СССР. — СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. — С. 343—347. — ISBN 5-94201-055-2. <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
16. Константинов П., Стуканов А. Институт реабилитации // «Законность», № 7, 2004. <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
17. Курс уголовного права. Т. 1. Гл. 8. Уголовное законодательство периода либерализации общественных отношений. Н. Ф. Кузнецовой. – М.: Зерцало. — ISBN 5-8078-0039-7. <http://lawlibrary.ru/izdanie2082819.html>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
18. Уголовный кодекс Узбекской ССР; Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР : С изм. и доп.– Т.: Узбекистан, С.165-166. <https://search.rsl.ru/ru/record/01006490279>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.05.2022).
19. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. URL: <http://www.lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.10.2021).
20. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2014 йил 4 мартдаги 4-қ/қ, 5, 5, 21-сонли қарорига илова. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга оид, пенсия олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини тиклаш ва уларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, маънавий зиён оқибатларини бартараф этиш тартиби тўғрисидаги Низом. <https://lex.uz/ru/docs/2355364>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 19.08.2021).
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 май ПҚ-3723-сон қарори // <http://lex.uz>. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 29.10.2021).

22. Ш.М.Мирзиёев “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сон Фармойиши. Тошкент ш., 2020 йил 8 октябрь. URL:<https://lex.uz> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 21.10.2021).